ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ОМОНОВ МАМАТҚОБИЛ ИСМОИЛОВИЧ

СУРХОНДАРЁ СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИ ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШНИНГ СЕЛЕКЦИОН-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

06.02.01 - Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Қоракўлчилик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2021

УЎК: 636.933.2.032.2.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Contens of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Омонов Маматқобил Исмоилович
Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлашнинг селекцион-генетик асосларини ишлаб чиқиш ……...…….3

Омонов Маматкобил Исмоилович
Разработка селекционно-генетических основ сохранения генофонда каракульских овец Сурхандарьинского сура……...…...29

Omonov Mamatqobil Ismoilovich
Development of breeding and genetic principles of conservation of the gene pool of Karakul sheep of Surkhandarya sura …….……55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..59

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ОМОНОВ МАМАТҚОБИЛ ИСМОИЛОВИЧ

СУРХОНДАРЁ СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИ ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШНИНГ СЕЛЕКЦИОН-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

06.02.01 - Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Қоракўлчилик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B.2019.4.DSc/B110 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант — **Арипов Ўктам Хаджимуратович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: — **Рўзибаев Нураддин Рахимович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Жабборов Абдурашит Райимович
биология фанлари доктори, профессор

Зокиров Исломжон Илхомжонович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: — **Самарқанд ветеринария медицинаси институти**

Диссертация ҳимояси Зоология институти DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «29» апрель соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, $232^{б}$-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс: (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 38 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, $232^{б}$-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» апрель куни тарқатилди.
(2021 йил «14» апрелдаги 9- рақамли реестр баённомаси)

Д.А.Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор, академик

Г.С.Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

А.Э.Кучбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда иқлим ўзгаришларининг кескинлашуви ва табиий ландшафтларнинг бузилиши қоракўл зотли ҳайвонлар хилма-хиллигини қисқаришига ва айрим зотларнинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Айниқса, халқаро мўйна аукцион бозорларида тенгсиз саналган сур, кўк, қора ва оқ рангли қоракўл терилари етказиб берувчи қўй зотлари генофондини сақлаш борасида жиддий муаммолар юзага келмоқда. Шу сабабли, қоракўл қўйларининг эволюцион келиб чиқиши асосида қимматбаҳо ва антиқа рангбарангликдаги қўйлар генофондининг ноёб популяциясини сақлаб қолиш, тиклаш ва кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда қоракўл зотли қўйларнинг хилма-хиллигини аниқлаш, камайиб ва йўқолиб кетаётган қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари зотлари генофондини сақлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, молекуляр-генетик усуллар ёрдамида қимматли ва ноёб зотлар генофондини сақлаш услубларни ишлаб чиқиш, қўйларнинг камёб ва йўқолиш арафасида турган зотларни асраб қолиш сабабларини аниқлаш, жаҳон мўйна бозор талабларидан келиб чиқиб, сур териларининг товарлик сифатларини яхшилаш ва такомиллаштириш, устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарур.

Республикамизда қоракўл зотли қўйларнинг хилма-хиллигини сақлаш ва жаҳон мўйна бозорига энг қимматбаҳо саноатбоп қоракўл тери етказиб беришга катта эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, қоракўл зотли қўйлар бош сони ва қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми янада оширилди, наслчилик ишлари илмий асосда такомиллаштирилди, наслчилик ва селекция ишлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати юзасидан даврий мониторинг ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] «...наслчиликни ривожлантириш, наслчиликда илмий-тадқиқот ишларини жорий этиш; чорвачиликнинг озуқа базасини яратиш...» каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, турли рангбарангликдаги Сурхондарё зот типидаги сур қоракўл қўйлари жун қопламлари тузилиши, ўсиши ва морфо-биологик кўрсаткичлари бўйича фарқланиш хусусиятларини очиб бериш, уларни жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда ноёб ва антиқа сур рангбарангликларнинг ирсийланиш даражаси ҳамда тавсифларини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон “Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сон “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Дунё миқёсида камайиб ва йўқолиб кетаётган қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари зотлари генофондини сақлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, GEH Илмий тадқиқот Маркази ва Галле лабораторияси (Германия), Livestock Conservancy лабораторияси (АҚШ), Қоракўлчилар иттифоқи ва Зоотехника институти (Намибия), Қоракўлчилик илмий лабораторияси (Молдавия), Россия Умумий генетика институти (Россия), М.Ф.Иванов номли “Аскания-Нова” дашт районлари чорвачилиги илмий-тадқиқот институти (Украина), С.А.Ниязов номли қишлоқ хўжалиги университети (Туркманистон), Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон), Шириншох Шотемур номли аграр университети (Тожикистон), Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Қоракўл зотли қўйларнинг хилма-хиллигини аниқлаш, камайиб ва йўқолиб кетаётган қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари зотлари генофондини сақлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: молекуляр-генетик усулда қўйларда турли хил ДНК маркеридан фойдаланиб, қимматли ва ноёб зотлар генефондини сақлаш услублари ишлаб чиқилган (Умумий генетика институти, Россия); уй ҳайвон зотлари генофондини сақлаш ва уларнинг камайиб кетиш сабаблари очиб берилган (GEH Илмий-тадқиқот Маркази ва Галле лабораторияси, Германия); ҳайвон зотлари генофондини сақлаш усуллари ишлаб чиқилган ва йўқолиш арафасида турган зотларни асраб қолиш сабаблари аниқланган (Livestock Conservancy лабораторияси, АҚШ); қоракўл қўчқорларини маҳаллий қўйлар билан жуфтлаш натижасида селекцион-наслчилик услублари ишлаб чиқилган (Қоракўлчилар Иттифоқи,

---

[2] **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** www.vigg.ru, http://www.g-e-h.de/index.htm, http://www.albc-usa.org/, https://uz.m.wikipedia.org, https://visualrian.ru.media, www.Ovcevod.ru, http://kazniizhik.kz/, https://asiaplustj.info.economic ва бошқа илмий манбалар асосида таҳлил қилинган.

Намибия); қоракўл қўйларини серпушт романов зотли қўйлар билан жуфтлашда ҳар 100 бошга 150–160 бош қўзи берувчи серпушт қоракўл қўйлари яратилган (М.Ф.Иванов номли “Аскания-Нова” илмий-тадқиқот институти, Украина); янги экологик урчитиш ҳудудларида қоракўл зотли қўйларда наслчиликнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган (Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот институти, Қозоғистон).

Дунёда мўйна бозор талабларидан келиб чиқиб, сур териларининг товарлик сифатларини яхшилаш ва қоракўл зотли қўйларнинг хилма-хиллиги ва уни сақлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қоракўл қўйларининг келиб чиқиш эволюциясини асослаш, конституционал - маҳсулдорлигини ошириш, қоракўл терилари ранг ва гул шаклларининг наслдан-наслга ўтиш хусусиятларини очиб бериш, қўйларни урчитиш ва селекциялашнинг самарали усулларини яратиш, турли хил экологик ҳудудлар шароитида озиқлантириш хусусиятларини аниқлаш, генофондни сақлаш бўйича ишлаб чиқилган замонавий усулларни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қоракўл зотли қўйларнинг биологик хусусиятлари, маҳсулдорлиги, хўжалик учун қимматли кўрсаткичлари ҳамда ҳайвонлар генофондини сақлаш ва камайиб кетиш сабаблари МДҲнинг йирик олимлари А.С.Серебровский (1928), Н.С.Гигинейшвили (1954), В.М.Юдин (1963), У.Сагдуллаев (1963), Б.Н.Васин (1971), А.А.Рахимов (1973), М.А.Кошевой (1975), В.И.Стояновская (1975), И.Н.Дьячков (1980), А.И.Ерохин (1981), Д.К.Беляев (1987), И.Г.Моисеева (1992), А.Ибрагимов (2000), Ю.П.Алтухов (2004), С.Р.Базаров (2004), М.И.Селионнова (2004), В.А.Тайшин (2004), Ю.А.Столповский (2009), С.Ю.Юсупов (2010), Н.А.Бобоқулов (2011), Р.У.Турганбаев (2012), И.А.Паронян (2016), М.Ш.Исмаилов (2018) ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Марказий Осиё миқёсидаги қоракўлчилик соҳасидаги тадқиқотлар таҳлили В.Жилякова (1981), У.Валиев (1980), К.Ахмедов (1986), К.Мухамедгалиев (1986), А.Ахмедшиев (1989), Х.Укбаев (2008), А.Омбаев (2008) ва бошқалар қоракўл қўйларнинг генофонди, маҳсулдорлиги ва халқ хўжалиги билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратган.

Ўзбекистонда Сурхондарё сур қоракўлчилиги бўйича Н.С.Гигинейшвили (1954, 1970), А.С.Мурадов (1984), У.Х.Арипов (1992) тадқиқотлар олиб борган. Муаллифлар Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларининг рангбаранглиги, урчитиш усуллари, ўсиши ва ривожланиши, жун маҳсулдорлиги бўйича ижобий натижаларга эришган.

Бироқ, мазкур тадқиқот ишлари жаҳон мўйна бозорларида довруғи кенг ёйилган Сурхондарё сур қўйларининг маҳсулдорлигини ошириш ва узоқ йиллар давомида селекция йўли билан яратилган ноёб ва антиқа сур қўйлар авлодини сақлаб қолиш имконини бермайди.

Шунга кўра, Сурхондарё сур қўйлар генофондини сақлаш, тиклаш, кўпайтириш, ноёб ва антиқа, қимматбаҳо сур қоракўл терилари сифатини тубдан яхшилаш пировардида хўжаликда наслчилик-селекция усулларини

ишлаб чиқиш ва уни тизимли йўлга қўйиш Ўзбекистон қоракўлчилиги тармоғини ривожлантиришда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ҚХА–8-059-2015 “Сурхондарё сури қоракўл қўйлари генофондини сақлашнинг селекцион-генетик усулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2015-2017).

Тадқиқот мақсади Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларининг ноёб ва антиқа, қимматбаҳо рангбарангликлар бўйича генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган селекцион-генетик усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларининг ноёб ва антиқа, қимматбаҳо рангбарангликлари бўйича сурланиш даражаси, рангнинг ўтиш кескинлиги ва ранг текислигини асослаш;

турли сур рангбарангликдаги кўзилар жун толасида меланин миқдорини ва унинг хусусиятларини аниқлаш;

сур рангбарангликдаги қоракўл қўйларининг морфологик ва биологик хусусиятларини аниқлаш;

сур рангбарангликдаги қоракўл қўйлари қонининг биокимёвий кўрсаткичлари (ферментлар, минерал моддалар ва бошқалар)ни аниқлаш;

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларининг ноёб ва антиқа, қимматбаҳо рангбарангликлар бўйича гомоген ва гетероген жуфтлаш вариантларида сур рангбарангликларнинг ирсийланиш даражаси ва тавсифларини асослаш;

сур рангбарангликдаги қоракўл қўйлар жун толасининг морфологик кўрсаткичлари ва тери гистологик тузилишини аниқлаш;

наслга қолдирилган сур қоракўл кўзилар ўсиши ва ривожланиши, экстерьери ва маҳсулдорлигини таҳлил этиш ҳамда барра тери сифати ва қоракўл териларининг товар хусусиятларини баҳолаш;

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйлари генофондини сақлаш, ноёб ва антиқа, қимматбаҳо рангбарангликларни тиклаш ва кўпайтириш ҳамда маҳсулдорлигини оширишда қўлланилган селекцион-генетик усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё зот типига мансуб сур қоракўл қўй ва наслдор қўчқорлар, ўстиришга қолдирилган қоракўл кўзилар, қоракўл териси, қон ва жун намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли рангбарангликдаги сур қоракўл қўй ва наслдор қўчқорлар маҳсулдорлиги, морфологик ва биологик кўрсаткичлари, жун тола қопламларининг хусусиятлари, қоракўл терилар товар сифати, жун маҳсулдорлиги, ўсиш ва ривожланиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумбиологик, зоотехник, биометрик, статистик ва аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қоракўл зотли қўйларнинг зот структураси асосида генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтириш баробарида, Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўзилар терисида сурланиш даражаси ва бир текислиги, ипаксимонлиги ва ялтироқлилиги ҳамда сур териларининг товарлик сифатини жаҳон мўйна бозори талаблари асосида яхшилаш ва такомиллаштиришнинг янги илмий ва амалий селекцион-генетик усуллари яратилган;

турли рангбарангликдаги Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйлари жун қопламлари тузилиши, ўсиши ва морфо-биологик кўрсаткичлари бўйича маҳсулдорлик сифатидаги фарқланиш хусусиятлари аниқланган;

турли ранг ва зот типли сур рангбарангликдаги қоракўл қўйлари қон таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлар (фермент, калий ва бошқалар) миқдори ва унинг сурланиш ҳамда ҳаётчанлигига боғлиқлиги аниқланган;

Сурхондарё сур қоракўл қўйларда ҳайвонларни турли жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда ноёб ва антиқа, қимматбаҳо сур рангбарангликларнинг ирсийланиш даражаси ва уларнинг тавсифлари аниқланган;

илк бор Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларининг эволюцион келиб чиқиши асосида улар генофондининг ноёб популяциясини сақлаб қолиш, тиклаш ва кўпайтиришнинг тизимли селекцион-генетик усуллари юзасидан амалий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларининг мавжуд рангбаранглигини комплекс ўрганиш асосида уларнинг асосий селекцион-генетик белгилари, ҳайвонларни танлаш кўрсаткичлари ҳамда баҳолаш мезонлари аниқланган;

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйлари генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтиришнинг селекцион-генетик усуллари ишлаб чиқилган;

камайиб ва йўқолиб бораётган Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларининг қимматли биологик маҳсулдорлигини тиклаш мақсадида уларнинг жун қопламлари тузилиши, ўсиши ва морфо-биологик кўрсаткичлари бўйича маҳсулдорлик сифатидаги фарқланиш хусусиятлари, жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда ноёб ва антиқа. сур рангбаранглик-ларни такомиллаштириш, қон таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлар миқдорининг тери сифати ҳамда ҳаётчанлигига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндошувлар, таҳлиллар асосида олинган натижалар назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, маълумотлар замонавий дастурлар асосида (Biostat 2007; Microsoft Office Excel, 2007; Microsoft, USA, Origin Pro B 9.4, 2014; statistical Paskadefor Sokial Scince) статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижалар ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларининг генофондини сақлаш ва тиклаш мақсадида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари қоракўлчиликда илк марта юқори маҳсулдорлик даражасига мансуб ноёб ва антиқа рангбарангликдаги сур қоракўл қўйлар генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтиришнинг селекцион-генетик усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти- нафақат қоракўлчиликда, балки барча турдаги чорва моллар генофондини сақлаш ва тиклашда селекцион-наслчилик ишларини олиб боришнинг кенг қамровлилиги ва самарадорлигини оширишда, қолаверса юқори маҳсулдор ирсий мустаҳкамланган чорва моллари сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш ҳамда улар генофондини сақлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйлари генофондини сақлашнинг селекцион-генетик усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурчиликка ихтисослашган қоракўл қўй отарларида ноёб ва антиқа, қимматбаҳо бронза, платина, янтарь, антрацит рангбарангликдаги сур қоракўл қўйлар генофондини сақлаб қолиш, тиклаш ва кўпайтириш, сур қоракўл терилари сифатини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган амалий-услубий тавсиялар Қумқўрғон туманидаги “Боботоғ сури қоракўлчилик” МЧЖ, “Алимардон Ғанишер”, “Аллаберди Темурбек”, “Хўшбоқ Ориф” ва “Эломон Хумоюн” қоракўлчилик фермер хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Республика “Қоракўлчилик” уюшмасининг 2019 йил 24 декабрдаги 39/01–232-сон маълумотномаси). Натижада, қайд этилган хўжаликларда рентабеллик 20–35 % га ошган ва элита навли тери сифатини 35–65 % га яхшиланиш имконини берган;

сур рангбарангликлар сифатини яхшилашнинг комплекс селекцион-генетик усуллари Сурхондарё вилояти “Қоракўлчилик” уюшмасида амалиётга жорий қилинган (Республика “Қоракўлчилик” уюшмасининг 2019 йил 24 декабрдаги 39/01-232-сон маълумотномаси). Натижада, қоракўл қўйларнинг сур рангбарангликларини тиклаш ва кўпайтириш ҳамда сур қоракўл терилари сифатини яхшиланиш имконини берган;

Сурхондарё зот типидаги ноёб ва антқа, қимматбаҳо рангбарангликдаги сур қоракўл қўйлари генофондини сақлаш бўйича ишлаб чиқилган амалий-услубий тавсиялар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 25 декабрдаги 02/23-615-сон маълумотномаси). Натижада, республика қоракўлчилик хўжаликларида юқори маҳсулдор қоракўл қўйларининг генофондини сақлаш, тиклаш ва бош сонини кўпайтириш ҳамда тармоқни янада ривожлантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий ишлар нашр этилган. Шулардан: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 14 та Республика ва 3 та хорижий журналларида нашр этилган. Шунингдек, 2 та услубий қўлланма, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ҳамда хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар, диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Қоракўл зотли қўйларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлиги”** деб номланган биринчи бобида қоракўл зотли қўйларнинг келиб чиқиши, қоракўлчиликнинг ривожланиш истиқболлари ва бугунги ҳолати, генофонд ва уни сақлаш усуллари, қоракўл қўйлари урчитиладиган ҳудуд яйлов-иқлим шароитлари, хўжалик тавсифи ва дастлабки наслчилик-селекция ишлари, қоракўл қўйларининг биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлиги, Сурхондарё сур қўйлар табиати ва рангбарангликлари тавсифи ёритилган. Тегишли адабиётлар таҳлили асосида тадқиқотлар олиб борган муаллифларнинг илмий манбалари келтирилган.

Мазкур тадқиқот ишида Ўзбекистонда илк бор қоракўл зотли қўйларининг ноёб ва антиқа, қимматбаҳо Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлаш ва тиклашнинг селекцион-генетик усулларини ишлаб чиқишга қаратилганлиги илмий асослар билан ёритилган.

Тадқиқотлар жараёнида камайиб ва йўқолиб бораётган Сурхондарё сур қўйларининг қимматли биологик маҳсулдорлигини тиклаш мақсадида уларнинг жун қопламлари тузилиши, ўсиши ва морфо-биологик кўрсаткич-лари бўйича фарқланиш хусусиятлари, жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда ноёб ва антиқа сур рангбарангликларнинг ирсийланиш даражаси, қон таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлар (фермент, калий ва бошқа) ва уларнинг сурланиш ҳамда ҳаётчанлик билан боғлиқлиги, тери гистоморфологик тузилишини ўрганишга қаратилган.

Диссертациянинг **“Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлашнинг селекцион-генетик асосларини ўрганиш услублари ва материаллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар 2005–2019 йиллар давомида Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани «Боботоғ сури қоракўлчилик» МЧЖда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг “Генетика ва генофонд” бўлими етакчи олимлари билан ҳамкорликда бажарилганлиги, тадқиқот схемаси, тадқиқотларда қўлланилган усул ва услублар баён этилган.

Мазкур бобда ферментларнинг биологик аҳамияти, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари ва қон таркибидаги калий концентрацияси, цитогенетик таҳлил ва тери гистологик кўрсаткичларини аниқлаш методикаси, қоракўл қўзилар териси сифатини баҳолаш усуллари баён этилган. Шунингдек, Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлаш ва ноёб сур рангбарангликларни тиклашда наслчилик-селекция ишларининг зоотехникавий методикаси, Сурхондарё сурининг яратилиш эволюцион схемаси ва сур қўйларни саралаш тузилмаси келтирилган.

Тадқиқотларда қоракўл қўйлари қон таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлари қуйидаги методларда аниқланди.

Дастлаб калий концентрациясини аниқлаш мақсадида яйлов шароитида турли ранг ва рангбарангликдаги тажриба отари қоракўл қўйларининг бўйин вена қон томиридан иккита пробиркага қон намуналари олиниб, биринчи пробиркадаги қон гепарин билан консервацияланди, иккинчиси эса қон зардоби олиш мақсадида сув ҳаммомига солиниб 35–36^0 ҳароратда инкубацияланди. Инкубация қилинганидан сўнг зардоб тоза пробиркага солиниб, муз солинган совуткичга жойлаштирилди.

Олинган қон намуналаридаги калий концентрациясини Цейс-Йена–III моделидаги оловли фотометрда гальванометр кўрсаткичи бўйича интерполировкалаш усулида аниқланди. Қон намунаси таҳлил натижалари Н.С.Полуэктов (1967) усули бўйича ҳисобланди.

О-дифенолоксидазанинг ферментатив фаоллиги тажриба ҳайвонлари қон зардобида М.Т. Таранов (1954), арилэстераза ферментининг фаоллиги E.M. Tucker, Y. Suzuki, C. Stormont (1967) методикаси бўйича аниқланди.

Пероксидаза ферментининг фаоллигини аниқлашда субстрат сифатида 0,02% пирагаллол ишлатилди. Буфер эритмаси арилэстеразадаги каби (фосфатли pH=7,4), пробиркага 4,7 мл. буфер эритмаси, 0,2 мл. субстрат аралашмаси ва 0,1 мл. қон зардоби солинган ҳолда аниқланди.

Тирозин-аминотрансфераза ферментининг фаоллиги тажриба қоракўл қўзиларининг сийдигидан намуна олиниб Е.Ф.Давиденкова, И.С. Либерман (1975) методикаси бўйича аниқланди.

Цитогенетик таҳлил жараёнида тажрибадаги қора ва сур рангли қоракўл қўйлари суяк культурасидан фойдаланилди. Намуна қўйларнинг кўкрак суягидан пункция қилиш йўли билан ИПЖ-I русумли игнасидан фойдалананиб умуртқадан суюқлик олинди ва 3–4 томчи совутилган шиша идишга томизилиб эритма Гимза бўёғида бўялди.

Тажриба ҳайвонлари хромосомаларини таҳлил қилишда хромосомалар сони инобатга олинди. Цитогенетик таҳлиллар жараёнида OPTIKA B-190 ва МВИ-15 русумли микроскоплардан фойдаланилди.

Терининг гистологик кўрсаткичларини аниқлашда тажриба отаридаги турли ранг ва рангбарангликдаги янги туғилган (1–2 кун) қоракўл қўзиларнинг энг қимматли сағри қисмидан биопсия усулида тери намуналари олинди. Биопсия фиксацияси ва гистологик кесмалар тайёрлаш ҳамда уларни тавсифлаш РФ ФА А.А.Северцев номидаги Ҳайвонлар морфологияси институти томонидан ишлаб чиқилган (Меркурьева, 1970). методикаси бўйича бажарилди. Унга кўра тери ва унинг (эпидермал, пиляр, ретикуляр) қатламлари қалинлиги, фолликулалар (бирламчи, иккиламчи, бошланғич) зичлиги ва 1мм^2 тери юзасида фолликулалар умумий миқдори аниқланди.

Тажриба отарларидаги сур қўзилар териси сифати “Қоракўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш” (бонитировка қилиш) бўйича қўлланмага асосан баҳоланди (2015).

Экстерьер кўрсаткичларини аниқлашда ҳайвонларнинг тирик вазни тарози, тана ўлчамлари лента, металл линейка, махсус циркул ва таёқчалардан фойдаланилди.

Тажриба ва лаборатория тадқиқотлари натижалари вариацион статистика услубларда қайта ишланди. Маълумотлар замонавий дастурлар асосида (Biostat 2007; Microsoft Office Excel, 2007; Microsoft, USA, Origin Pro B 9.4, 2014; statistical Paskadefor Sokial Scince) статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг ”**Турли ранг ва рангбарангликдаги қоракўл қўйларининг биологик хусусиятларини баҳолаш**” деб номланган учинчи боби 2 бўлимдан иборат:

интерьер характердаги биологик хусусиятлари бўлимида: Турли рангли қоракўл қўйлар қон таркибидаги калий миқдори, қондаги биокимёвий кўрсаткичлар ва унинг ёшига қараб ўзгариши, ферментлар фаоллигининг намоён бўлишида зот ичида хусусиятлари, ферментлар фаоллигининг ирсийланиши, биокимёвий кўрсаткичлар ва унинг маҳсулдорликка боғлиқлиги, терининг гистоморфологик тузилиши ва унинг хусусиятлари, тери ва қаватлари қалинлиги, хромосомаларнинг цитогенетик таҳлиллари ёритилган;

экстерьер характердаги биологик хусусиятлари бўлимида: Қоракўл қўйларининг гавда тузилиш индекслари, қоракўл терилари жун толасининг узунлиги, сурланиш даражаси, рангбарангликларнинг ифодаланиши ва ранг текислиги, гул типлари ва навлиги, гул ўлчамлари ва гулларнинг расмли жойлашув шакллари, жун толасининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги, Сурхондарё сур қоракўл қўйлар рангбарангликларининг ирсийланиши, қоракўл териларининг товарлик хусусиятлари, қоракўл қўйлар жун маҳсулдорлиги келтирилган.

Маълумки, калий организмнинг ички муҳит биологик жараёнларида иштирок этиб, сув алмашинуви ва кислота-ишқорий мувозанатини таъминлаш баробарида, осмотик босимнинг меъёр даражасини муқобиллаш

ва ферментатив жараёнлар кечишига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу жараёнларнинг доимийлиги ички ва ташқи суюқликларда катион ва анионларнинг доимий нисбатини маълум бир концентрациялар ёрдамида таъминлайди.

Айниқса, организмда углеводлар алмашинувида калийнинг ўрни катта. Ҳужайраларда глюкоген ҳосил бўлиш вақтида, қон плазмасида ва интерстициал суюқликда калийнинг миқдори камайиб, шу билан бирга унинг ҳужайрадаги миқдори ортиб боради. Бундан ташқари, аниқланишича, организмни калий билан етарли миқдорда таъминламасдан туриб матрицали РНКда оқсил молекулаларини тузиб бўлмайди.

Калий концентрацияси даражаси ҳайвонларнинг экстеримал яшаш шароилари адаптацияси билан боғлиқ бўлиб, қўйлар пуштдорлигида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотларимизда ранги ва келиб чиқиши турлича бўлган қоракўл қўйлар қони таркибида калийнинг концентрациясини ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1 жадвал

Қоракўл қўйлар қони таркибида калийнинг паст ва юқори даражаси бўйича аллеллар тақсимланиши ва частотаси

Ранг ва рангбаранглик	Сони (бош)	НК - тип		LK - тип		Аллел частотаси	
		n	M±m	n	M±m	K^h	K^L
Қора	104	77	148,5±2,57	27	59,5±3,72	0,872	0,128
Сур Бухоро зот типи	82	58	161,9±2,78	24	63,5±2,97	0,883	0,117
Сур Сурхондарё зот типи	122	89	131,0±1,71	33	64,3±2,11	0,815	0,185
Хаммаси	308	224	147,1±2,35	84	62,4±2,93	0,856	0,144

Тадқиқот олиб борилган 308 бош ҳайвонларнинг қон таркибида калий миқдори аниқланганда 224 бошида (73,0 %) юқорилиги, 84 бошида (27,0 %) паст даражада эканлиги ҳамда рецессив аллел частотаси қўйлар танламасида K^h-0,815– 0,883 бўлса, доминант аллелники эса K^L-0,117– 0,185 ни ташкил этган.

Таққосланаётган ҳайвонлар гуруҳларининг қони таркибида калийнинг турли даражаларда тақсимланиши ҳайвонлар рецессив гени K^h частотаси ҳар хиллиги кузатилди.Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйлари аллелининг учраш частотасини 100 деб олсак, қора рангли қўйларда бу кўрсаткич 107,0 % бўлса, Бухоро зот типли сур қўйларда 108,3 % ни ташкил этган. Орадаги фарқ статистик жиҳатдан ишончлилик (P<0,001).

Турли ёшдаги ўсиш жараёнида моддалар алмашинуви ҳар хил интенсивликда содир бўлиши биокимёвий кўрсаткичларнинг даражасини ўзгартиради. Тадқиқотларда қон таркибидаги ферментлар фаоллиги ҳайвонларнинг ёши, ранги ва келиб чиқишига боғлиқлигини ўрганиш натижалари 2 жадвалда келтирилган.

2 жадвал

Қоракўл қўзилари қон зардобида ферментлар фаоллигининг ёшга қараб ўзгариши, (ш.б.)

Ёши	Ранги	Сони (бош)	Перок-сидаза	Тирозин-амино-транс-фераза	О-дифенол-оксидаза	Арил-эстерфаза
5-7 кун	Қора	18	0,108±0,0008	0,167±0,011	4,014±0,36	0,509±0,030
	Сурхондарё сури	18	0,063±0,003	0,125±0,007	2,69±0,12	0,411±0,027
	Бухоро сури	18	0,092±0,002	0,140±0,012	3,64±0,36	0,439±0020
2,0-2,5 ой	Қора	17	0,208±0,006	0,350±0,028	3,69±0,21	0,473±0,030
	Сурхондарё сури	16	0,179±0,07	0,327±0,018	3,33±0,11	0,500±0,031
	Бухоро сури	15	0,198±0,003	0,508±0,024	3,63±0,15	0,576±0,020
4,0-4,5 ой	Қора	17	0,243±0,009	0,421±0,027	3,11±0,21	0,548±0,020
	Сурхондарё сури	16	0,271±0,008	0,475±0,011	3,41±0,18	0,526±0,020
	Бухоро сури	15	0,217±0,008	0,565±0,036	3,24±0,19	0,535±0,010
18-18,5 ой	Қора	13	0,740±0,060	0,430±0,027	5,20±0,60	0,325±0,024
	Сурхондарё сури	14	0,780±0,080	0,500±0,040	2,80±0,20	0,270±0,020
	Бухоро сури	13	0,460±0,014	0,480±0,050	3,00±0,19	0,300±0,025

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳайвонлар қони таркибида пероксидаза фаоллиги улар ёши ўзгариши билан ошиб бораган ($P<0,05$), шу билан бирга 0-дифенолоксидаза ферментининг ёшга қараб ўзгаришида сезиларли фарқланишлар кузатилди.

Тадқиқотларда ферментлар фаоллиги бўйича фарқланишлар асосан янги туғилган қўзиларда кузатилган, яъни паратипик омиллар ҳайвонларнинг ранги ва келиб чиқишига кам таъсир этган бир вақтда 0-дифенолоксидаза ва бошқа ферментларнинг фаоллиги ранги ва келиб чиқишига бевосита боғлиқ бўлганлиги билан таъкидланади.

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўзиларининг қон таркибида тирозин-аминотрансфераза ферменти фаоллигини 100% деб олсак, бу кўрсаткич қора рангли қўзиларда 33,6%, Бухоро зот типли сур қўзиларда 12,0% ни ташкил этган. Бошқа ёш даврларида ранги ва келиб чиқишига боғлиқ ҳолда ушбу ферментнинг фаоллигида сезиларли фарқланишлар кузатилмаган.

Шунингдек, пероксидаза ва 0-дифенолоксидаза ферментлари фаоллиги бўйича тескари ҳолат кузатилган. Қора рангли қўзилар бошқа гуруҳлардаги ўз тенгқурларига нисбатан катта ишончли ($P<0,05$) фаолликка эга бўлганлиги, қолган ёш даврларида бу белгилар бўйича ранги ва келиб чиқишига боғлиқ ҳолда фарқлар деярлик катта эмаслиги аниқланди.

Тадқиқотларда тажриба ҳайвонлари қон зардобидаги ферментларнинг фаоллигида зот ичида маълум ўхшашлик ва фарқланишлар мавжудлиги аниқланди, натижалар 3 жадвалда келтирилган.

3 жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларнинг қон зардобидаги ферментлар фаоллигининг зот ичида ўзгарувчанлиги

Ранг ва ранг-баранг-лик	Сони (бош)	Перок-сидаза (ш.б.)	Аспартат-амино-транс-фераза (Мк.Моль)	0-дифенол-оксидаза (ш.б.)	Тирозин-амино-транс-фераза (ш.б.)
Бронза	48	0,250±0,027	83,35±3,41	12,04±0,99	0,496±0,047
Янтарь	52	0,270±0,018	87,33±2,99	8,50±0,84	0,565±0,036
Платина	48	0,265±0,016	95,59±3,52	7,93±0,87	0,346±0,012
Қора	57	0,360±0,017	103,17± 2,41	7,71±0,40	0,167±0,011

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйлари қон зардобида 0-дифенолоксидаза ферментининг энг юқори фаоллиги бронза сур рангбарангликда 12,04 ш.б. кузатилган бўлса, янтарь сурда 8,50 ш.б. ва платина сурида бу кўрсаткич 7,93 ш.б. яъни тенгқурлари орасида энг кам миқдорни ташкил этганлиги кузатилади.

Қоракўл қўйлар қонидаги пероксидаза ферментининг фаоллиги қора рангли қўйларда юқорилиги аниқланди. Ушбу кўрсаткич бошқа гуруҳдаги ўз тенгқурларидан платина сур қора рангли қўйларда 7,9% га, тирозин-аминотрансфераза ферментининг фаоллиги рангдор қўйларда қора ранглиларга нисбатан 2–3 баравар устунликка эгалиги аниқланди.

Аспартат-аминотрансфераза ферментининг фаоллиги зот ичидаги аниқ фарқланиш кузатилиб, энг юқори фаоллик қора рангли қўйларга хослиги ҳамда тирозин-аминотрансфераза фаоллиги Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларнинг барча сур рангбарангликларида аниқланиб, қора рангли тенгқурлардан 4,7–28,1% га устинлиги кузатилди ($P<0,01$).

Пероксидаза ферменти юқори фаоллиги қора рангли қўйларда кузатилиб, бошқа гуруҳдаги ўз тенгқурларини 7,1–10,2 % га ортда қолдирган.

Тирозин-аминотрансфераза ферментининг энг юқори фаоллиги рангдор вариацияли қўйларда аниқланиб, қора рангли тенгқурларидан ишончли ($P<0,001$) миқдорда устунлик қилиб, 0-дифенолоксидаза ферментининг юқори ўзгарувчанлик даражасига эгалиги аниқланди.

Қоракўл қўйлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари билан ҳаётчанлиги ва айрим хўжалик-фойдали белгилари ўртасида маълум бир боғлиқликлар мавжудлиги ўрганилди, тадқиқот натижалар 4 жадвал келтирилган.

4 жадвал

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйлари қон таркибидаги биокимёвий кўрсаткичларнинг ҳаётчанлиги ва айрим хўжалик-фойдали белгиларига корреляцияси

Корреляцияланувчи белгилар	Сони (бош)	Корреляция коэффициенти	Р
Арилэстераза-ҳаётчанлигига	38	-0,70	0,001
Пероксидаза-ҳаётчанлигига	38	0,31	0,010
Тирозин-аминотрансфераза-ҳаётчанлигига	38	0,72	0,001
0-дифенолоксидаза-ҳаётчанлигига	38	0,20	0,100
Аспартат-аминотрансфераза-жун маҳсулдорлигига	30	0,23	0,100
Аспартат-аминотрансфераза-тирик вазнига	30	0,37	0,010
Арилэстераза-тирик вазнига	25	-0,89	0,001
Пероксидаза-тирик вазнига	25	0,53	0,001
0-дифенолксидаза-тирик вазнига	25	0,26	0,100
Арилэстераза-жун тола узунлигига	25	0,39	0,050
Пероксидаза-жун тола узунлигига	25	0,62	0,001
0-дифенолоксидаза-жун тола узунлигига	25	0,52	0,001
Арилэстераза-тери қалинлигига	25	0,73	0,001
Пероксидаза-тери қалинлигига	25	0,83	0,001
0-дифенолоксидаза-тери қалинлигига	25	0,14	0,100

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйлари тирик вазни бўйича корреляцияси (С=0,89) билан, арилэстераза фаоллиги ва жун тола узунлиги корреляцияси (С=0,39) билан, 0-дифенолоксида фаоллиги ўртасида корреляциялар (С=0,52) билан ифодаланганлиги яққол кузатилди.

Бундай боғлиқлик қоракўл қўйларининг ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлигини баҳолашда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, ушбу белгиларни эрта башоратлаш имконини беради.

Қоракўл қўйлар қонининг биокимёвий таркиби ўрганилган элита баҳоланган наслдор қўчқорлар наслининг айрим барра тери ва тирик вазн кўрсаткичлари таҳлилидан маълум бўлишича, тажрибадаги қўчқорлар тери сифати, ранги ва ёши бир хил бўлишига қарамасдан, улар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари турличалиги аниқланди. Тадқиқот натижалари 5 жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларига кўра, жун толасининг сифати ва пигментацияси, наслида элита навли қўзилар салмоғи бўйича бирка рақами 2999 ва 2643 бўлган қўчқорлар ўз тенгқурларидан устунлик қилганлиги, бу ўз навбатида уларнинг қон таркибидаги 0-дифенолоксидаза ферменти фаоллиги энг юқори бўлганлиги билан ва улар наслида қора пигментацияли қўзилар 77,7–90,9% ни ташкил этди.

5 жадвал

Қон таркибининг биокимёвий кўрсаткичлари маълум наслдор қўчқорлар наслининг тери сифат хусусиятлари

Элита қўчқор-лар сирга рақами	Қўчқорлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари					Қўзиларнинг барра тери сифат хусусиятлари				элита қўзи-лар, (%)
						Жун-тола сифати (%)		Пигмента-цияси (%)		
	Д	П	Т	А	Э	аъло	яхши	Интенсив қора	қора	
2110	0,145	0,350	0,170	56,3	0,473	27,2	63,6	20,0	80,0	18,9
2701	0,132	0,280	0,300	60,5	0,510	75,0	25,0	50,0	50,0	75,0
3568	0,128	0,345	0,210	46,6	0,730	46,2	53,8	50,0	50,0	42,9
0268	0,105	0,370	0,195	38,7	0,490	22,7	65,0	42,9	57,1	36,4
6836	0,115	0,300	0,320	41,0	0,380	54,5	45,5	54,5	45,5	41,0
2999	0,162	0,220	0,310	48,7	0,390	47,1	52,9	77,7	22,3	41,2
2797	0,151	0,351	0,180	52,0	0,680	43,4	56,6	63,6	36,4	50,0
2643	0,170	0,235	0,360	53,8	0,593	58,2	41,8	90,9	9,1	53,3
Ўртача	0,138 ±0,007	0,306 ±0,02	0,25 ±0,02	49,7 ±2,54	0,530 ±0,19	46,8	5,05	56,2	43,8	44,8

Изоҳ: Д- 0-дифенолоксидаза; П-пероксидаза; Т-триозин-аминотрансфераза А-аспартат-аминотрансфераза; Э-арилэстраза

Энг юқори элита навли қўзилар салмоғи бирка рақами 2643 ва 2701 бўлган наслдор қўчқорлар наслида кузатилиб (53,3–75,0%), улар қон зардобида аспартат-аминотрансфераза ферменти фаоллиги юқори даражада бўлганлиги билан изоҳланади.

Қоракўл қўйлари тери қаватларининг алоҳида кўрсаткичлари ўзгарувчанлик коэффициенти сифатида отарларнинг генетик структураси ва бир хиллик белгиси бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотларда қора рангли қўзилар териси ўртача қалин бўлиши, ретикуляр қавати нисбатан яхши ривожланганлиги, бронза ва антрацит сур қўзилар платина ва янтарь сурлари ўз тенгқурларига нисбатан яхши ривожланган пиляр қавати ва терининг умумий қалинлигига эга бўлганлиги аниқланди.

Генотипик келиб чиқиши турлича бўлган қоракўл қўзилари бир биридан тери қалинлиги ва уларнинг алоҳида қаватлари қалинлиги жиҳатидан фарқланиши 6 жадвалда келтирилган.

Тадқиқот олиб борилган ҳайвонлар гуруҳларида эпидермал, пильяр ва ретикуляр қаватларининг турли даражада ривожланиши тавсифланиб, ретикуляр қатлам тери қалинлиги қора рангли қўзиларда 775,4 мкм., сур рангбаранглик бўйича қалин кўрсаткич антрацит рангбарангликда 714,9 мкм., энг юпқа қатлам янтар сурда 490,0 мкм. эканлиги таққосланди.

6 жадвал

Турли ранг ва рангбарангликдаги қоракўл қўзилари териси ва қаватлари қалинлиги, (мкм.)

Тери қавати M±m	Ранг ва рангбарангликлар				
		Сурхондарё сур типли			
	Қора	Платина	Янтарь	Бронза	Антрацит
Эпидермал	20,2±0,6 0,3	24,9±1,1 1,2	22,5±1,2 1,2	23,7±0,9 1,0	19,7±0,7 0,9
Пиляр	1596,2±104,2 66,7	1559,6±52,0 73,6	1430,0±68,9 73,6	1764,2±41,7 76,7	1478,8±80,4 66,8
Ретикуляр	775,4±60,8 32,7	546,6±27,9 25,2	490,0±29,4 25,2	512,6±24,3 22,3	714,9±42,7 32,3
Умумий %	2391,8±134,6 100	2119,4±70,0 100	1942,5±91,8 100	2300,5±25,0 100	2213,4±104,0 100
Пилярнинг ретикуляр-га нисбати	2,0	2,8	2,9	3,4	2,1

Аниқланишича, бронза ва янтарь сур рангбарангликлари ўртасида фарқланишлар мавжуд (P<0,01), бошқа рангбарангликлар бўйича фарқланишлар ишончли эмас, аммо улар нисбатан ривожланган ретикуляр қаватга (32,7–32,3%) эга. Пильяр қаватнинг ретикуляр қаватга бўлган ўзаро нисбат индекси, терининг ривожланиш кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиш эҳтимоли мавжуд.

Қоракўл қўзилар терисида гулларнинг шаклланишида тери тузилиши, фолликулалари ривожланиши, ўлчами, жойлашиш чуқурлиги ва 1 мм^2 тери юзасидаги тиғизлиги катта аҳамиятга эга.

Тадқиқотларимизда қора рангли ва Сурхондарё зот типли турли рангбарангликдаги сур қоракўл қўзилари терисининг 1 мм^2 тери юзасидаги фолликулалар миқдори ўрганилди.

Қоракўл қўзилари териси қалинлиги, иккиламчи эмбрионал фолликулаларнинг бирламчи фолликулаларга нисбати бўйича фарқлар 7 жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларида қора рангли қўзилар терисининг 1 мм^2 юзасидаги фолликулалар миқдори 52,7 бўлса, бу кўрсаткич антрацит сур қўзилар терисида 69,1 ёки 16,4% га устинликка эгалиги, шунингдек, платина сур қўзилар тери фолликулаларининг умумий қалинлиги ва иккиламчи эмбрионал фолликулаларининг бирламчи фолликулаларга нисбати бўйича сезиларли фарқланишга эгаллиги яққол намаён бўлган. (P<0,05)

Шуниси эътиборлики, қора рангли қоракўл қўзилар терисининг 1мм^2 юзасида бошқа гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан эмбрионал фолликулалар 4,5–5,5 марта камлиги кузатилган.

7 жадвал

Турли ранг ва рангбарангликдаги қоракўл қўзилар терисининг 1 мм^2 юзасида фолликулалар миқдори

Фолликулалар (M±m)	Ранг ва рангбаранглик				
	Қора рангли	Сурхондарё зот типли сур қўзилар			
		Платина	Янтарь	Бронза	Антрацит
1 мм^{2}да фолликулалар (%)	52,7±3,5 100,0	62,5±1,8 100,0	53,4±1,5 100,0	62,9±1,5 100,0	69,1±3,2 100,0
Шундан: Бирламчи фолликула (БФ)	20,1±2,6 38,1	27,9±1,7 44,6	15,7±1,1 29,4	26,8±2,5 42,8	26,4±2,1 38,2
Иккиламчи фолликула (ИФ)	29,4±6,7 55,8	21,5±1,9 34,4	21,8±1,6 40,8	20,6±1,5 32,9	25,4±3,2 36,7
Эмбрионал фолликула (ЭФ)	3,2±0,6 6,1	13,1±1,9 21,0	15,9±1,9 29,8	15,5±3,1 24,3	17,3±5,6 25,1
ИФ+ЭФ/БФ нисбати	1,6	1,2	2,4	1,3	1,6

Шу боис, турли ранг ва рангбарангликдаги ҳамда келиб чиқишини ҳисобга олмасдан фенотипи бўйича у ёки бу барра тери типига мансуб қўзилар терисининг гистоструктурасини ўрганиш қоракўл қўйлар популяциясидаги генетик структураси шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Қоракўл қўйларида хромосомалар аномалиялари уларда эрта ўлими ва паст ҳаётчанлигининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Шу боис, турли генетик гуруҳлардаги қоракўл қўйларининг цитогенетик тавсифларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотларда турли рангдаги қоракўл қўйлари хромосомалари сони ва морфологик гуруҳлари таркибини ўрганиш тахлилий натижалари 8 жадвалда келтирилган.

8 жадвал

Қора ва сур рангли қоракўл қўйлари кариотипининг таркиби

Гурух	Ранги	Ҳисобга олинган ҳайвон-лар (бош)	Кариотип таркиби				
			Хромосома-ларнинг диплоид сони	Эливаклар сони	Хромосомаларнинг морфологик гуруҳлари		
					Мета-центрик	Акро-центрик	Жинсий хромо-сомалар
I	Қора	6	54	60	6	48	хх
II	Сур	6	54	60	6	48	хх

Жадвал маълумотларига кўра, сур ва қора рангли қўйлари меъёр даражасида хромосомалар тўпламига эга бўлганлиги кузатилади. Қоракўл қўйларида хромосомаларнинг диплоид сони 54 тага тенг, шундан 3 жуфт йирик метацентрик ва 24 жуфт акроцентрик хромосомалардан, шу жумладан бир жуфт жинсий хромосомалар (ХХ, ХУ)дан иборат.

Қўйларда акроцентрик хромосомалар ўз ўлчамлари бўйича босқичма-босқич камайиб борувчи қаторни ҳосил қилиб, уларда энг йириклари XX-урғочи жинсий хромосомалар ҳисобланади. Хромосомаларнинг асосий миқдори, яъни хромосом эливкалар сони тур меъёрида (NF=60) ифодаланади. Шундай қилиб, тадқиқот ўтказилган барча қўйларда хромосомалар сони ва уларнинг морфологияси билан боғлиқ бўлган кариотипининг кескин аномалиялари кузатилмаган.

Шунингдек, тажрибадаги ёш молларда бошқа турдаги ҳайвонлар, шу жумладан йирик шохли молларда кенг тарқалган химеризм аномалияси, яъни бир вақтнинг ўзида кроверт органларда оқ қон ҳужайраларининг шаклли элементлари эркак ва урғочи хромосомалар тўпламларида учрамади.

Таъкидлаш жоизки, тадқиқотларимиз давомида ўрганилган ҳайвонларда ҳужайраларнинг бир қисмида хромосомалар тўпламида турли анамолиялар кузатилиши аниқланди.(9 жадвал)

9 жадвал

Қора ва сур рангли ҳайвонлар ҳужайраларининг хромосомалар тўпламида спонтан бузилишларнинг частотаси (фоиз), (M±m)

Ранг ва рангбаранглик	Анеуплодия			Тузилиш аберациялари	Поли плоидия	Ўзгарган ҳужайралар нинг умумий сони
	Гипо плоидия	Гипер плоидия	жами			
Сур	11,85±1,96	1,85±0,80	13,70±2,10	2,90±1,00	0,33±0,10	17,00±2,30
Қора	6,67±2,00	1,33±0,90	8,00±2,20	0	0,50±0,20	8,50±2,20
Фарқ	5,18±2,82	0,50±1,20	5,70±3,00	2,9±1,00	0,14±0,20	8,50±3,20

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, ҳар иккала рангдаги ҳайвонларда хромосома тўпламининг асосий бузилиш типи анеуплоидия бўлиб, полиплоидлар кўринишида, яъни хромомсомалар бир қисмини йўқотган ҳужайралар кўринишида бўлиши намоён бўлади.

Гиперплоидия, яъни қўшимча хромосомалари бўлган ҳужайралар гипоплоидияга қараганда ҳайвонларда 54 марта кам учрайди. Анеуплоидларнинг умумий сони ва сур рангли ҳайвонларда иккала типнинг ҳам кўтарилиш тенденцияси аниқланган.

Ҳайвонларда полиплоид ҳужайралар жуда кам бўлиб, турли ранглар кесимида ишончли фарқланишларга эга бўлмаган. Полиплоид ҳужайралар тетроплоидлар (жуфт диплоид тўпламли) ҳамда юқори даражадаги полидлик кўринишида намоён бўлган. Аммо, ушбу аномалиянинг учраш частотаси жуда пастлиги туфайли полиплоидия структурасининг статистик таҳлилини ўтказиш имкони мавжуд эмас.

Тадқиқот таҳлилларининг кўрсатишича, кариотип аномалияларининг бошқа типи хромосомалар бутунлигининг бузилиши билан боғлиқ, яъни қоракўл қўйларида хроматид узилишлар кўринишида намоён бўлган

структуравий аномалиялардир. Ушбу аномалияларнинг сур рангли қўйларда учраш частотасининг 2,90% ни ташкил этганлиги аниқланди.

Таққосланаётган ҳайвонлар орасида бу кўрсаткич бўйича фарқланишлар ишончли бўлган (P<0,05), ўзгарган ҳужайраларнинг умумий частотаси бўйича ҳам ишончли фарқланишлар аниқланган. (P<0,05)

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари сур рангли қоракўл қўйларини кариотипи стабил эмаслигини кўрсатади. Эҳтимол, бу ҳайвонларнинг суяк илигининг ҳужайралари ташқи муҳит агентларининг таъсирига чидамсизлигидир, лекин шуни ҳам эътибордан четлаштирмаслик керакки, хромосом ўзгарувчанликнинг даражаси маълум даражада ҳайвонларнинг ҳаётчанлигини акс эттиради.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, бир қатор тадқиқотларда чала туғилган ёки бўғозлик даврида ўсишдан қолган ҳайвонларда спонтан аномалиялар даражаси юқорилиги қайд этилган.

Биз томондан олинган маълумотлар қоракўлчиликда цитогенетик тадқиқотларни давом эттириш заруратини туғдиради. Ҳайвонларнинг хромосом аномалиялари частотаси бўйича аниқланган индивидуал фарқланишлар бунга асос бўлиб хизмат қилади.

Маълум бўлишича, иккала гуруҳлардаги ҳайвонлар анеуплоидия частотаси 0 дан 20 фоизгача, полиплоидиялар частотаси 0 дан 1 фоизгача, структуравий аномалиялар частотаси эса 0 дан 10 фоизгача тебранишга эга, ушбу белгилар бўйича танлаш ва гуруҳлаш ишларини олиб бориш мумкин.

Бу эса ўз навбатида селекцион жараёнда катта аҳамиятга эга, чунки бир қатор тадқиқотларда кўрсатилганидек, хромосом аномалияларнинг частотаси ҳайвонларнинг қайта урчиш сифатларини тавсифлайди.

